

Тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилгандага соф фойданинг муайян қисмини жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг
ТУШУНТИРИЛИШИ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАНИШИ

«QO’QON BIOKIMYO» АЖ да 2020 йил якуни бўйича **7 009 906 481,1** сўм соф фойда олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартағи «**2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, диферсификация ва модернизация қилинишини таъминлаш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПФ-4707 сонли фармони ижроси бўйича «QO’QON BIOKIMYO» АЖда буғдой клейковинаси (глютен) ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойихаси амалга оширилди. Хозирда банк кредитларини қайтариш жараёни кетмоқда, шунга кўра жамиятда айланма маблағлар танқислигига йўл қўймаслик учун жамият ижро органи томонидан «QO’QON BIOKIMYO» АЖда акциядорларининг навбатдаги 2020 йил якунларига бағишлиланган йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олган соф фойдасини қўйидагида тақсимлаш таклиф қилинмоқда.**

«QO’QON BIOKIMYO» АЖ нинг 2020 йил якуни бўйича олган **7 009 906 481,10** сўм соф фойдаси қўйидагида тақсимлаш:

- 6 869 231 680 сўм қисми жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтиришга
- қолган 140 674 801.1 сўм қисми захира фондини тўлдиришга йўналтириш режалаштирилмоқда.

Юқоридаги тақсимотдан қўриниб турибдики, жамият томонидан 2020 йил соф фойдасини тақсимлашда дивиденд тўлаш назарда тутилмаяпти, бунинг ўрнига жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш режалаштирилмоқда

Устав фондини қўшимча акциялар чиқариб капитализация қилинишида барча акциядорлар ўртасида ҳар бир акциядорга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим.

Жамиятнинг акциялари сони номинал қиймати 1026 сўм бўлган 69 696 872 дона бўлиб, Устав фонди 71 508 990 672 сўмни ташкил этади.

Устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан қўпайтириш учун яна 9 956 696 дона акциялар қўшимча чиқарилиши лозим, бунга эса яна 10 753 231 680 сўм (бунда 10 215 570 096 сўм капитализация учун ва 537 661 584 сўм амалдаги қонунчиликка мувофиқ устав фондини оширишда тўланадиган солик тўлови миқдори) маблағ зарур. Жамиятнинг 2020 йил соф фойдаси ва 2019 йилнинг капитализацияга йўналтирилган суммасининг умумий миқдори қўшимча акцияларни чиқариш учун етарли миқдорда.

Шу сабабли «QO’QON BIOKIMYO» АЖ 2019 йил якуни бўйича олган соф фойдасининг капитализацияга йўналтирилган 3 880 000 000 сўм қисми ва 2020 йил якуни бўйича олган соф фойдасининг капитализацияга йўналтирилаётган 6 869 231 680 сўм қисмiga қўшиб жами 10 753 231 680 сўм (бунда 10 215 570 096 сўм капитализация учун ва 537 661 584 сўм амалдаги қонунчиликка мувофиқ устав фондини оширишда тўланадиган солик тўлови миқдори) сўмни устав фондига капитализация қилинса, 7:1 нисбатда ҳар 7 дона акцияга 1 (бир) дона акция қўшиб берилади натижада жамиятнинг устав фонди миқдори **81 724 560 768** сўмга етказилади

Натижада жамият устав фонди миқдори ҳар бирининг номинал қиймати **1026** сўм дан бўлган **79 653 568** дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз қўринишдаги **81 724 560 768** сўмлик акциялардан иборат бўлади.